Стратегик ахборот ресурслари кутубхонаси

2006 ЙИЛ, 24 МАРТ, ЖУМА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 57 (10.614)

Баҳоси эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИГА ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Корея Республикаси Президенти Но Му Хённинг таклифига биноан 2006 йил 28-30 март кунлари давлат ташрифи билан Корея Республикасида бўлади.

Ташриф асносида ўтадиган музокараларда икки давлат раҳбарлари Ўзбекистон-Жанубий Корея муносабатларини янада ривожлантириш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни ва икки томонлама муносабатларнинг бошқа соҳаларидаги алоқаларни кенгайтириш масалаларини муҳокама қиладилар. Шунингдек, томонларни қизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилади.

Музокара якунлари бўйича қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

●**КЕЧА** Чилонзор туманида истиқомат қилаётган меҳрга ташна 25 нафар болажонларнинг суннат тўйи туман ҳокимлиги ташаббуси билан уюштирилди.

●**КЕЧА** Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат Техника университетида ўтказилган «Университет маликаси» кўрик-танлови Наврўз айёмига бағишланди.

●**КЕЧА** Ўзбек Миллий академик драма театрида ушбу театр жамоасининг ўтган йилги фаолияти якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

●**КЕЧА** Тошкент автомобиль йўллари институтида «Олий таълим муассасаларида электрон дарслик ва технологияларни яратиш ҳамда жорий этиш муаммолари» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

●**КЕЧА** «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» корхонасида Наврўзи олам муносабати билан байрам тадбири уюштирилди.

●**БУГУН** Мирзо Улуғбек туманида Ҳомийлар ва шифокорлар йили ҳамда Наврўз айёмига туҳфа сифатида Тошкент шаҳар сил касалликлари диспансери биноси қайта таъмирдан чиқарилиб фойдаланишга топширилди.

●**КЕЧА** Юнусобод туманидаги «Отчопар-1» маҳалласида Наврўз айёмига бағишланган тадбир уюштирилди.

●**КЕЧА** Учтепа туманидаги 116-мактабда «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан ўқувчилар ва ўқитувчилар иштирокида ўтказилган тадбир «Наврўзи олам муборак!» деб номланди.

●**ЭРТАГА** Бектемир туманидаги «Бектемир» маҳалласида яшариш, янгиланиш байрами Наврўзга бағишлаб «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан ўтказилган тадбирда фахрийлар ҳамда кам таъминланган оилалар фарзандларига мутасаддиларнинг эсдалик совғалари топширилади.


●**КЕЧА** Миробод туманидаги «Бирodарлик» маҳалла гузарида туман ҳокимлиги, «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорлигида уюштирилган хайрия тадбири Наврўзга бағишланди.

●**БУГУН** Мирзо Улуғбек туман ҳокимлигида туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан фаол аёллар, маҳаллаларнинг хотин-қизлар комиссиялари раисалари, диний маърифат ва маънавий –ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирокида аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масаласига бағишланган семинар ўтказилди.

●**БУГУН** Ҳамза компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежида янгиланиш айёми Наврўзи олам муносабати билан ўтказилган тадбир «Маънавият ва маърифат» марказининг Ҳамза туман бўлими томонидан уюштирилди.

●**БУГУН** Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида «Камолот» ЁИҲ Яккасарой туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан олий ўқув юртлари талабалари турар жойлари жамоалари иштирокида мини-футбол бўйича «Камолот» Кубоги» мусобақалари ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.



«ТАШАББУС-2006»: ЯКУНИЙ БОСҚИЧ БОШЛАНДИ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАЪКИДЛАГАНИДЕК, ЎЗИНИ МУЛКДОР, МУЛК ЭГАСИ, ЎЗ МЕҲНАТИНИНГ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРГАН МАҲСУЛОТИНИНГ ХЎЖАЙИНИ ДЕБ ҲИС ЭТИШ ИНСОННИНГ ЯШИРИН КУЧ-ҒАЙРАТИНИ ЮЗАГА ЧИҚАРАДИ. БУНДАЙ КУЧ-ҒАЙРАТ ЭСА ШУБҲАСИЗ, БУНЁДКОРЛИК ВА ЯРАТУВЧИЛИКНИНГ ТАМАЛ ТОШИДИР. ШУ БОИС ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ТАШАББУСИ БИЛАН ЮРТИМИЗДА ХУСУСИЙ МУЛКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИМИЙ ЭЪТИБОР ҚАРАТИБ КЕЛИНЯПТИ. ТАДБИРКОРЛИК, ФЕРМЕРЛИКНИ ҲАР ТОМОНЛАМА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ЗАМИНИ ТОБОРА МУСТАҲКАМЛАНЯПТИ.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўн йилдан буён ўтказиб келинаётган «Ташаббус» кўрик-танловининг ҳам алоҳида ўрни бор. Ҳар йили танловнинг туман, вилоят ва мамлакат босқичлари ўтказилиши жараёнида соғлом рақобат мустаҳкам қарор топмоқда.

Пойтахтимизнинг «Ўзкўргазмасавдо» мажмуида бошланган «Ташаббус-2006» кўрик-танлови республика босқичининг очилишида саховатли она-диёримизнинг энг фаол тадбиркору фермерлари ва ҳунармандлари, давлат ва жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Маросимда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари Н.Қосимов, монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси ўринбосари А.Абдурашидов, Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси раиси С.Қобилов, «Ҳунарманд» уюшмаси раиси О.Салоҳуддинов ва бошқалар мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида хусусий тармоқни жадал ривожлантиришга улкан эътибор қаратилаётгани ўзининг улкан самарасини бераётганини алоҳида таъкидладилар. Бу эътибор натижаси ўлароқ, иқтисодиётимиз ривожида унинг улуши тобора юксалмоқда. Ўтган йили бу кўрсаткич 38 фоиздан ошгани фикримиз исботидир. Аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини оширишда ҳам мазкур тармоқнинг катта ҳиссаси бор.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда ғолибликни қўлга киритган тадбиркор, фермер ва ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмаси мажмуасининг кенг майдонини эгаллаган. Замонавий саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган, фермер хўжаликларида етиштирилган





ва қўли гул ҳунармандлар томонидан тайёрланган ранг-баранг маҳсулотлар кўзни қувонтиради.

Ҳар йилгидан фарқли равишда кўрик-танловнинг якуний босқичи бу йил икки кун давом этади. Ғолибларни аниқлаш мақсадида ташкил этилган нуфузли ҳайъат аъзолари барча номзодлар ва уларнинг маҳсулотлари билан яқиндан танишиши, энг яхшиларини танлаб олиши учун фурсат етади.

Н.АБДУРАИМОВА, ЎзА мухбири

СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон Президенти соврини учун ўтказилган анъанавий «Ташаббус-2006» кўрик-танлови Республика босқичи иштирокчиларининг маҳсулотлари кўргазмасидан лавҳалар.

Дилшод Юсупов (ЎзА) олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

23 МАРТ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси А.Турсунов 2005 йил 30 мартда Қонунчилик палатаси қабул қилган ва 2006 йил 25 февралда Олий Мажлис Сенати томонидан рад этилган «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Қонун тўғрисида маъруза қилди. Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг хулосасига қўшилиб, мазкур Қонунни қайта кўриб чиқмаслик ҳақида қарор қилди.

«Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг раиси А.Зиё учинчи ўқишда тақдим этди. Мажлисда сўзга чиққан депутатларнинг иккинчи ўқишдан кейин маромига етказилган қонун лойиҳаси тўғрисидаги фикрларини эшитиб ва муҳокама қилиб, Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди.

Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси О.Ўсаров «Телерадиоэшиттириш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида ахборот берди. Савол-жавоблардан кейин бўлиб ўтган муҳокамада сиёсий партиялар барча фракцияларининг вакиллари ўз фикрларини баён этдилар. Қонунчилик палатаси киритилган таклифлар ва билдирилган мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилди.

«Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид битимини (Мадрид, 1891 йил 14 апрель) денонсация қилиш ҳақида»ги ва «Ўзбекистон Республикасининг Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид битимига доир Баённомага (Мадрид, 1989 йил 27 июнь) қўшилиши ҳақида»ги қонун лойиҳаларини Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг аъзоси З.Мунавваров тақдим этди. Савол-жавоблар ва муҳокамадан кейин Қонунчилик палатаси мазкур қонунларни қабул қилди.

Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси А.Эрдонаевнинг маърузаси бўйича «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 71- моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини кўриб чиқди. Ҳужжатларни муҳокама қилиш чоғида депутатлар мамлакатда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш учун солиққа доир қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш муҳим эканлигини таъкидладилар. Қонунчилик палатаси баён этилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳаларининг асосий қоидаларини маъқуллади ва уларни биринчи ўқишда қабул қилди.

Мажлисда Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг раиси М.Тешабоевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг халқаро ва парламентлараро алоқаларни ривожлантириш борасида 2005 йилнинг ноябрь ойидан 2006 йилнинг март ойигача бўлган даврдаги иши ҳақидаги ахбороти тингланди. Депутатлар ахборотни маълумот учун қабул қилдилар.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИДА «ЎЗБЕКИСТОН ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ЯНГИЛАШ, МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ИСЛОҲ ЭТИШ ЙЎЛИДА» МАВЗУИДАГИ ДОИМИЙ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАРИ ДОИРАСИДА «МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ - ЎЗБЕКИСТОНДА ЕТУК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ НАЗАРИЙ ВА МАЪНАВИЙ АСОСЛАРИ» МАВЗУИДА ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ.

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ ВА МАЛАКАЛИ КАДРЛАР

Академия ректори Қ.Назаров Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида жамиятни демократлаштириш ва янгилаш жараёнида миллий истиқлол ғоясининг асосий мақсад-муддаолари — юрт тинчлиги ва осойишталиги, Ватан тараққиёти, халқимиз фаровонлигини юксалтириш, комил инсонни тарбиялаш, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик каби тамойилларга таянилаётганини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2001 йил 18 январда қабул қилинган «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этишга оид фармойиши мазкур ғояни халқимиз, айниқса, ёшлар онгига сингдиришда, соҳада ўқув, илмий, услубий ва тарбиявий ишлар самарадорлигини таъминлаш ва такомиллаштиришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Тадбирда дунёда глобаллашув жараёни кучайиб бораётган бугунги кунда бу борадаги барча ишларни янада такомиллаштириш, етук мутахассис кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, ҳар

қандай шароитда тўғри ва аниқ қарор қабул қила оладиган раҳбар кадрларни тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Давра суҳбатида академия олимлари томонидан тайёрланган «Миллий истиқлол ғояси : назарий манбалар, асосий тушунча ва тамойиллар» уч жилдли китобнинг муҳокамаси бўлиб ўтди.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири

МАМЛАКАТИМИЗДА

●**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.**

●**Пойтахтимиздаги Темурийлар тарихи Давлат музейида Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига бағишланган «Темурийлар давлатчилиги ва ренессанси» мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилди.**

●**Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонасида «Пекин — ҳаракатда» мавзуида фото кўргазма очилди.**

●**Кеча пойтахтимиздаги «DEDEMAN Silk road» меҳмонхонасида «Оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш — жамиятни демократлаштиришнинг энг муҳим омили» мавзуида республика конференцияси бўлиб ўтди. Анжуман Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситаларини ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ташкил этилди.**

● **Қорақалпоғистон Республикаси давлат солиқ бошқармасида оммавий ахборот воситаларида солиққа оид ўзгаришларни кенгроқ ёритиб бориш масалаларига бағишланган семинар-тренинг ўтказилди.**

●**Пойтахтимиздаги олий ўқув юртларининг бир гуруҳ талабалари жорий йилнинг март ойидан бошлаб Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг стипендиясини оладиган бўлди. Ушбу стипендия энг яхши талабаларга насиб этди.**

●**Самарқанд — Бухоро— Туркманистон халқаро автомобиль йўлининг Вобкент тумани ҳудудидан ўтадиган икки километрлик қисми реконструкция қилиниб, бу ерда янги кўприк бунёд этилди. Қурилишга 901 миллион сўм маблағ сарфланди.**

●**Элликқалъа тумани маркази — Бўстон шаҳрида Наврўз шодиёналари кунларида қишлоқ хўжалик техникалари учун эҳтиёт қисмлари ва минерал ўғит билан савдо қиладиган «Фермер маркет» савдо шохобчаси очилди.**

●**Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи Ўзбекистон санъат арбоби, профессор, таниқли шоир Олимжон Холдорнинг «Шаҳрихонликлар» деб номланган янги китобини ўқувчиларга тақдим этди.**

●**Ўзбекистон Ёшлар театри 7-15 апрель кунлари Санкт-Петербург шаҳрида ўтказиладиган МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатларининг VII Халқаро фестивалида иштирок этади. Фестивалда Республикамиздан ташқари ҳамдўстлик давлатлари— Украина, Озарбойжон, Белорусия, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Россия ва Тожикистон театрларининг ижодий жамоалари иштирок этиши кутилмоқда.**

ЖАҲОНДА

●**Дунёда энг кўп кўмир ишлаб чиқарувчи 10 та компаниядан бири саналган Россиянинг «Кузбассразрезуголь» компанияси Буюк Британияда кўмир саноатини ривожлантириш учун 1,6 миллиард доллар маблағ ажратишга тайёр.**

●**Сербия ва Черногория ҳудудида бир вақтнинг ўзида бир нечта кўчкилар рўй берди. Сербия марказида истиқомат қилувчи аҳоли хавфсиз жойларга кўчирилди. Ушбу ҳудудда аксарият турар жой бинолари вайрон бўлган, уларни қайта тиклашнинг имкони йўқ. Воқеа жойида қутқарув ишлари давом этмоқда.**

●**Ғарбий Африка ҳудудида навбатдаги Куёш тутилиши ҳодисаси 29 март куни содир бўлиши кутилмоқда.**

●**Бокуда Ўзбекистоннинг Озарбойжондаги элчихонаси иштироки ҳамда ахборот кўмаги билан Озарбойжон халқ шоири марҳум Халил Ризо қаламига мансуб «Турон гулдастаси» номли китобнинг иккинчи нашри босмадан чиқди.**

●**Стенфорд университети олимлари кўплаб тадқиқотлар натижасида яқин чорак аср мобайнида тараққий этган мамлакатларида ўртача умр кўриш муддати бир асрни ташкил этиши мумкин, деган хулосага келишди.**

●**Ўтган ҳафта Лос-Анжелесда ҳар бирининг қиймати 1 миллион долларга тенг бўлган 250 сохта купюра топилди. Маълумотларга кўра, миллион долларлик банкнотда XIX асрнинг охирида АҚШ Президенти бўлган Гровер Кливленднинг сурати бўлган.**

2006 — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

«БЕМОР КЎЗИДАГИ ҚУВОНЧ — МЕНИНГ ҚУВОНЧИМ»

ЗИЁДУЛЛА ЕРИМБЕТОВНИ ҲАМКАСБЛАРИ, ЁРУ БИРОДАРЛАРИ «ҚЎЛИ ЕНГИЛ» ШИФОКОР ДЕБ АТАШАДИ. АЛБАТТА, УНГА НИСБАТАН БУНДАЙ ТАЪРИФНИНГ БЕРИЛИШИ БЕЖИЗ ЭМАС. ЧУНКИ, УНИНГ ЎТТИЗ ЙИЛЛИК ТИББИЁТ СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТИ АНА ШУНДАЙ ЭҲТИРОМГА, ЭЪТИБОРГА САЗОВОР ҚИЛГАН.

Шифокор Зиёдулла ака табиатан жуда камтар ва камгап инсон. Ҳамкасбларига талабчан, беморларга эса ширинсухандир. З.Еримбетов 1993 йилдан буён Тошкент Тиббиёт академиясининг 3-клиникаси бод касалликлари бўлимини бошқариб келади. Аслида, унинг ҳаёти, талабалик даври, илк иш фаолияти шу даргоҳ билан боғлиқ. Чунки ёш шифокор 1976 йили институтни тугатиб, унинг клиникасида ишда қолган эди. У бу ерда ишлаш баробарида илмий изланишлар ҳам олиб борди. Хорижий, республикамиз журнал ва тўпламларида нашр этилган 24 та илмий мақолалари тадқиқотчининг қизиқиши, изланувчанлиги самараси эди.

— Бод касалликлари бўлими қирқ беш йилдан буён фаолият кўрсатади, — дейди Зиёдулла Еримбетов. — Бу ерда асосан ревматизм, ревмотоид артрит, реактив артрит, подагра каби бод касалликларига чалинган беморлар даволанади. Улар медикоментоз, физиотерапия, даволаш бадан тарбияси, резононстерапия ва бўғимлар ичига дори юбориш йўли билан муолажа қилинади. Бўлимимиз шифо жараёнини бевосита ички касалликлар кафедраси билан биргаликда амалга оширади. Яъни, бу ерда академиянинг тиббий педагогика факультети 2- ва 3-курс талабаларига амалиётни ўрганишда кўл келади. Эътиборлиси, бўлимда муолажа, кафедрада таълим, илмий изланишлар ва амалиётнинг узвийлиги шифокорлар малакасини оширишда яхши натижа беряпти.

Дарҳақиқат, Зиёдулла ака бўлимнинг ҳақиқий жонкуяри. Бу ердаги жамики иш унинг назорати ва зиммасида. Таъмирлаш дейсизми, хўжалик ишлари... ҳамма-ҳаммаси бекаму кўст бўлишида мудирнинг ҳиссаси катта. Беморларни даволашда эса А.Қосимов, З.Ирисимбетова, Й.Сафаров, Л.Аҳмедова, Х.Шомиддинова, Н.Ражаббоева, В.Борисюк сингари шифокорлар унга яқин ёрдамчидир.

Зиёдулла ака оилада ҳам бахт топганлардан. Рафиқаси Майрам Содиқова ўзининг ҳамкасби — шифокор. У Тошкент шаҳар перинатал маркази директори. Қизлари — Лиана, Асал ва Зарина ота-онасининг суянчиғи.

Дарвоқе, Зиёдулла аканинг «Оилам бахти — менинг бахтим, бемор кўзидаги қувонч _ менинг қувончим», дейиши унинг ҳақиқий ҳаёт мазмунидан дарак берса, ажаб эмас.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА (ЎзА).

СУРАТЛАРДА: 5 - бўлим мудири, шифокор Зиёдулла Еримбетов, ҳамширалар Лобар Аҳмедова, Хурсаной Шомиддинова ва Наргиза Ражаббоева беморнинг соғлиғини текширишмоқда ва бир гуруҳ шифокорлар.

Алишер Рисқиев (ЎзА) олган суратлар.





ӨЗ-ӨЗ ЎРГАНИБ ДОНО БЎЛУР...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Азизим, узоқни кўрувчи ақлни ва оламни безатувчи тафаккурни ҳар қандай ишда ўзинг учун одил ҳоким ва комил синовчи қилиб олки, инсонийлик шарафининг жавҳари бошқа ҳайвонлардан ақлининг ўткирлиги билан ажралиб туради.

Хожа Самандар ТЕРМИЗИЙ

Бузургмеҳрдан сўрадилар: «Одам учун энг бебаҳо нарса нима?» Айтди: «Ақл» Яна сўрадилар: «У бўлмасачи?» Айтди: «Одоб ва ахлоқ», Сўрадилар: «У ҳам бўлмасачи?» Айтди: «Кўркам хулқ». Сўрадилар: «У ҳам бўлмасачи?» Айтди: «Бойлик, чунки бойлик билан яхшилик қилиб, ҳар турли тоифалар ичида тинч яшаш мумкин». Яна сўрадилар: «У ҳам бўлмаса-чи?» Айтди: «Жимликни одат этиш, чунки жим туриш билан одамнинг айблари очилмайди ва ўзгалар таъна-сини ва маломатини эшитмайди». Сўрадилар: «У ҳам бўлмаса-чи?» Айтди: «Чақмоқ ва яшин яхши, чунки юқоридаги шунча хислатлардан бирортаси бўлмаган одамнинг чақмоқ ва яшин ўти остида ўлгани маъқул!»

Абулбаракот ҚОДИРИЙ

Шошилмай, ақлу тадбир билан иш тутиш мақсадга етишни тезлаштиради:

Жим ичра чумоли тушса бечора,
Халоскорга кўчмас, керакдир чора,
Ҳар кимда ўткир раъй ва тадбир бордир,
Жанг ичра ғалаба доимо ёрдир.
Тадбирдан ҳар кимга кўп нажот етар,
Баҳор ҳар дарахтдан вақтинча кетар.

Муҳаммад ЗЕҲНИЙ

Бошида ақли йўқ одамнинг ҳайвондан фарқи йўқ.

Ақлли одам шундай одамки, бировдан насиҳат эшитиш ўрнига ўзи ибрат кўзи билан боқиб билиб олаверади.

«ОТАЛАР сўзи»

Энг ақлли киши шундай кишики, давлат ва мартабага эришган пайтда ҳам доимо камтарликни ўзига шиор қилиб олади ва таъзим-тавозеъда бўлади, сабр-қаноатли, парҳезгир бўлади. Бадасл кишилар эса бундай кишининг тамоман аксидир. Улар давлат ва мартабага эришди дегунларича кеккая бошлайдилар ва мағрурлик кўчасига кириб, ҳеч кимни менсимай қўядилар.

Муҳаммад ЖАБАЛРУДИЙ

Ақл агар кўзга кўринувчи жисм бўлганда дунёни қоронғулик босмас эди.

Ақллиликнинг аломати ёлғон гапирмасликдир.
Ақл билан одоб жисм билан жон.
Ақл одамни яшнатади, нодонлик эса қақшатади.

«ОТАЛАР сўзи»

Доноларнинг айтишича, ақлли кишилар беш нарсани яширишлари лозимдир. Биринчи, молу давлатига нуқсон етса, уни халқ олдида гапириб юрмаслиги керакки, уни айтган билан бойлиги қайтиб келмайди, ўзини очкўзликда ва бефаҳмликда айблайдилар, ҳурмати кетади. Иккинчи, ақлли ҳисобланган киши ўзгалар қошида ғам-андуҳдан шикоят қилса, унинг бекарорлиги ва кулфатга чидами йўқлиги маълум бўлади, унинг изтиробини кўрган одамлар ақли тадбир эмаслигидан огоҳ бўладилар. Учинчи, ақлли кишининг ўзидан ёки қавму қариндошидан бирор яхши ёхуд ёмон иш содир бўлса бу ҳақда мақтанса ёки, аксинча, нолиса, бу ҳам ақллилик сифати саналмайди. Бундай пайтда ҳам ақлли кишига жим туриш ярашади. Ақлли киши биров учун яхшилик қилса ва ёрдам қўлини чўзиб кулфатдан халос этса,бу пайтда ҳам жим турмоғи ва бу қилган яхшилигини барчага айтиб юрмай, пинҳон тутмоғи керак. Шеър:

Бировга яхшилик қилса ҳар инсон,
Ҳар ерда мақтаниб юрса зўр нуқсон!

Абулбаракот ҚОДИРИЙ

Ақлли одам аввал маслаҳатлашиб, сўнг ишга қўл уради. Аҳмоқ эса аввал ишга қўл уриб, кейин маслаҳатлашади.

Ақлли киши ўз фикрининг мевалларидан баҳраманд бўлади.

Ақлли одам ўз дардини тушунадиган ва бунга йўл-йўриқ кўрсата оладиган кимсага айтади.

Ақлли одам оч қолмас.

«ОТАЛАР сўзи»

Бирор киши сен билан ўтирганда қимирлаб, у ёқ бу ёққа қарайверса, билгинки, у сенга нимадир демоқчи бўлиб турган бўлади. Баъзи киши бировга бир нарса демоқчи бўлса, гапиришдан аввал лабини қимирлатиб туради. Агар биров олдига бориб узоқ ўтириб қолсанг, ҳалиги киши ўрнидан турса ёки бориб кийимини ушлаб қўйса, у одам сенинг узоқ ўтирганингдан зерикканини билдиради.

«Фавоиҳ АЛ-ЖУЛАСО»

Одамнинг ақли сўзидан билинади.
Ақлли, шуурли бўлса ҳар киши,
Фақат керак сўзни сўзлашдир иши!

«ОТАЛАР сўзи»

Ақлли киши дунёнинг ғам-алами ва бор-йўғига қайғурмайди, ортиқча мол топишга интилмайди. Мол ва пул учун фақат жоҳил кишиларгина интиладилар. Такаббурлик билан тумшуқларини кўтариб, иззат ва обрў топиш кетидан қувадилар.

Муҳаммад ЖАБАЛРУДИЙ

Ғийбат гуноҳи зино гуноҳидан ҳам улкан.

***

Яхшилар билан ҳамсуҳбат бўлиш ва донолар билан мулоқот қилиш саодатга элтади.

КОШИФИЙ

Бир сандиқ олтиндан бир зарра ақл яхши.

Ақлли кўп бўлиб, ўзи одобсиз бўлган киши овга қуролсиз чиққан кишига ўхшайди.

Ақл бахтга етиш воситаси.

«ОТАЛАР сўзи»

Оқил ўлғон билгай оқил қадрини.

ТОЛИБИЙ

Нодон нодон билан дўст бўлса, бунинг асло таажжубли жойи йўқ, бироқ ақлли кишининг нодон билан ҳамсуҳбат бўлиши таажжублидир. Чунки ҳар бир нарса ўзига зид бўлган нарсадан қочади. Мос бўлганлари эса яқинлашади.

Муҳаммад ЗЕҲНИЙ

Доно ҳаргиз қилмади нодон била баҳс.

МУНИС

Хулоса шулки, нодон ва жоҳил, нопок ва ноасл, қаллоб ва фосиқ кишилар суҳбатидан мутлақо қоч! Улардан узоқлашиш йўлини қидир! Ўз тоза табиатингни нопок кишиларнинг ёмон хислатларига булғама! Шеър:

Киши ҳар ишга чин дилбаста бўлғай,
Тикан ҳам қўлида гулдаста бўлғай!

Муҳаммад ЖАБАЛРУДИЙ

Маҳмуд ҲАСАНИЙ,
Ҳамиджон ҲОМИДИЙ
тайёрлашган

ГЕРМАНИЯДА НАВРЎЗ ШУКУҲИ

ГФР ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ "БЕРЛИНГА ХУШ КЕЛИБСИЗ" АЁЛЛАР УЮШМАСИ ТОМОНИДАН ГЕРМАНИЯДА АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТГАН МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ ҲАМДА ОЗАРБОЙЖОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭЛЧИХОНАЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ИЛК БОР НАВРЎЗИ ОЛАМГА БАҒИШЛАНГАН МАРОСИМ УЮШТИРИЛДИ.

Тадбирда юздан ортиқ жамоат ва маданият ташкилотлари вакиллари ва Берлиндаги дипломатия корпуси ваколатхоналарининг ходимлари иштирок этди.

Тадбир меҳмонлари Наврўз байрамининг бой тарихи билан танишишлари баробарида унинг қандай нишонланишига ҳам гувоҳ бўлдилар. Улар ўзбек ашула ва рақс дасталари чиқишларини мароқ билан томоша қилдилар. Айниқса сумалак тайёрлаш жараёни ва унинг бетакрор таъмини татиб кўриш маросим қатнашчиларида унутилмас таассурот қолдирди.

Шунингдек, юртимизда миллий урф-одатларимизга биноан ўтказиладиган "Қиз унаштириш", "Бешик тўйи" маросимлари акс этган сахна чиқишлари Наврўз тантанаси иштирокчилари эътиборига ҳавола этилди.

Ўзбекистон элчихонаси анъанавий Наврўзи олам байрамига бағишланган ана шундай тадбирларни Германиянинг Бремен, Бонн, Маннҳайм ва Фрайбург шаҳарларида ҳам ўтказишни режалаштирган.

"Жаҳон" АА

Кўргазмалар

БУГУНГИ КУНИМИЗ — ЭРТАГА ТАРИХ

«ЁШЛИК» ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИНИНГ «МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ» МАРКАЗИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ҚУРИЛИШ ВА МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИК КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ҲАМКОРЛИГИДА ИСТЕЪДОДЛИ ЁШ МУСАВВИР ТОҲИР ШОЙМУРОДОВНИНГ «БУГУНГИ КУНИМИЗ — ЭРТАГА ТАРИХ» НОМЛИ КЎРГАЗМАСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Кўргазма залларида мусаввирнинг кейинги ўн йил давомида тасвирий санъатнинг хилма-хил жанрлари бўйича ва унинг ривожи, турли поғоналаридаги асарларидан 43 таси ўрин олган бўлиб, уларда республикамиз табиатининг манзаралари, ноз-неъматлари, турмушимиз тарзининг қирралари, меъморий ёдгорликлар, аёллар образи, миллий қадриятларимизнинг давомийлиги тасвирлари бадиий ижод талқинида акс этган. Ижодкорнинг бир неча натюрмортларида ҳам миллийликни кўрамиз. Кўргазма залларидан жой олган «Оқсаройда байрам», «Пойқадамжойбобо» асари ҳамда Наврўзи оламга бағишланган «Қиз қувди» ва бошқа қатор асарларида қадриятларимиз, миллий меросимиз тасвирланган бўлиб, ижчил меҳнат, изланишларнинг натижаларини кўрамиз. Масалан, мусаввирнинг «Оқсаройда байрам» асари 8 йил давомидаги манбаларни ўрганиши, изланиши самарасидир.

Кўргазма залида сўзга чиққан «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Ҳикматов, «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари О.Худойназаров, Ўзбекистон халқ рассоми, Ўзбекистон санъат арбоби О.Қозоқов ва бошқалар кўргазма ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, мулоҳазаларга етаклайдиган бетакрор асарларга эътиборни қаратдилар.

Муаллифнинг ушбу кўргазмаси учинчиси бўлиб, аввалгилари Тошкент Давлат педагогика университети ва Ўзбекистон Республикаси «Қуролли Кучлари» музейида ўтказилган эди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ,
Тошкент Давлат техника университетининг доценти

КИМ ҲАҚ?

Эрталабки тиғиз пайт. Автобус тиқин. Йўловчилар ҳатто чипта олиш учун ҳамёнларига қўл узатишнинг ҳам иложини тополмай қийналишади. Чипта сотувчи асабий.

— Ҳурматли йўловчилар, чипта олишни унутманглар, — дейди у дам-бадам.

Унинг бақириқ-чақириғига ҳеч ким қулоқ тутмайди. Бу сўз қайта-қайта такрорланавергач кимдир: «Ўзимиз зўрға оёқда турган бўлсак қандай қилиб чипта олайлик», — дейди унга жавобан.

— Нима қилай, ахир менда ҳам режа бор, мендан ҳам сўрашади.

«Олой» бозори бекатида автобус анча бўшаб қолди. Ҳаркалай чипта олишга имкон туғилди. Чиптачи бирма-бир йўловчиларни оралаб ўтди. Кўпчилик ойлик йўл чипталарини кўрсатди. Йўлкира ҳақини нақд пул билан ҳисоб-китоб қилганлар кам эди.

Тушум кўнгилдагидек бўлмаганидан, энсаси қотган чиптачи кабина томон кетди. Ҳайдовчи ундан сўрайди:

— Йўловчилар бугун кўп эди, чипта ҳам шунга яраша сотилгандир.

Бу гапдан чиптачи аёлнинг энсаси қотди.

— Қаёқда, деярли ҳамманинг қўлида ойлик чипта. Уч-тўртта одамгина нақд пулга чипта олди. Бунақада ишлаб бўлмайди.

Начора, азага борган хотин дардини айтиб йиғлайди-да. Йўловчи кира ҳақи ошиб бораётганидан хуноб. Ҳайдовчи ва чиптачилар эса чипта кам сотилганидан тажанг. Шу тобда беихтиёр хаёлимга турли йўналишларга қатновчи автобусда узоқ йиллар чипта сотувчи бўлиб ишлаган бир танишимнинг гапи келди.

— Олдинлари чиптанинг нархи арзон бўлса ҳам баракаси бор эди. Ҳамма нақд пулга чипта оларди. Энди кира ҳақи қиммат. Лекин тушумнинг мазаси йўқ. Сабаби кўпчилик ҳар кунги йўл харажатидан қочиб, бир йўла ойлик йўл чипта сотиб олишга ўрганган. Чиптачи бечоранинг ҳам жиғилдони бор. Кечгача тик оёқда тургандан кейин қўли уч-тўрт сўм пул кўриши керак-да. Ҳар кунлик топгани зўрға кундалик харажатга етар-етмас бўлгандан кейин бунақа ишда ишлаб бўлармиди?

Ким ҳақ, ким ноҳақ. Бу кўпчиликнинг ихтиёрига ҳавола. Лекин бизни баъзи чиптачиларнинг жиззакилиги, йўловчилар билан кўпол муомалада бўлиши ташвишга солади. Бундай ҳолни кўриб туриб, баъзан ўйланиб қоласан киши. Шунда хаёлингдан балки бу кўполлик ва жиззакиликнинг ҳам келиб чиқиш сабаби биринчи навбатда ўша тушумга бориб тақалмасмикан, деган фикр ўтади.

Кўрган-кечирганларимизга мурожаат қилайлик. Шаҳристон бекатидан автобусга уч-тўрт ўқувчи болалар чиқди. Табиийки, чиптачи дарҳол улардан йўл кира ҳақини талаб қилди. 8-10 ёшдаги бу болалар пуллари йўқлигини айтиб, чиптачига ялинганнамо, жавдираб қарайди. Чиптачи уларга мутлақо ён босмади.

— Пулларинг йўқ бўлса нега чиқдиларинг автобусга. Кейинги бекатда тушиб кетларинг.

40-45 ёшлардаги чиптачи аёлнинг ёш болаларга қилаётган бундай муомаласидан йўловчилар ранжишди.

— Синглим, ёш болалар экан. Келинг, бир гал кечира қолинг, — деди нуроний кексалардан бири.

— Ёнини олманг бу тирмизакларнинг. Бир кунда бунақалардан бир нечтаси чиқиб-тушади автобусга. Улардан битта-яримтаси чипта олмаса, қолганлари кўзини лўқ қилиб тураверади. Агар раҳмингиз келаётган бўлса, йўл кира ҳақини сиз тўлай қолинг.

Йўловчилар ичида шунақа марди топилди.

— Мен тўлайман уларга чипта пулини, — деди баланд бўйли қоматдор йигит. Чиптачи уялмай-нетмай болалар учун ундан ҳақ ундирди.

Ким ҳақ, ким ноҳақ бу ҳам кўпчиликнинг ихтиёрига ҳавола. Лекин одамда меҳр-оқибат, раҳм-шафқат деган гап ҳам борку. Тўртта ёш боланинг йўл кира ҳаққи билан кундалик режа тўлиб қолармиди?

Олдинлари чипта сотувчилар салонни айланиб юриб йўловчилардан кира ҳақи ундириб, уларга чипта тарқатиб юришарди. Ҳозир бу қоидага ҳамиша ҳам амал қилавермайди. Кўпчилик чипта сотувчилар (майли эрталабки тиғиз пайт бундан мустасно бўла қолсин) ҳайдовчининг олдида туриб олишади. Ҳар бекатда автобусдан сакраб тушиб орқа-олди эшиклардан тушаётганлардан кира ҳақи талаб қилишади. Яқинда — тўғрироғи 13 март куни ўзимиз билан 72-автобусда шундай воқеа содир бўлди. Чиптачи йигит салонда одам кам бўлишига қарамай, ҳайдовчининг олдида ғўддайиб туриб олиб, ҳар бекатда эшикдан тушаётганларнинг чиптасини текширади.

— Ука, ўзинг чипта сотмаган бўлсанг, нимасини текширасан, — гап отади унга йўловчилар. Чиптачи шундайларга қўпол муомала билан жавоб беради.

— Ишларингиз бўлмасин сизларнинг. Қўлингизда ойлик чиптангиз борми, индамай кетаверинглар. Мен хоҳлаган жойимда чипта пули олишга ва текширишга ҳаққим бор.

Гап-гапга қўшилса жанжалга айланади. Бу сафар ҳам ким ҳақу, ким ноҳақлигини кўпчилик эътиборига ҳавола этиб нафасимизни ичимизга ютиб қўя қолдик.

Биз юқоридаги гаплар билан кимнидир қоралаб, кимнидир оқламоқчи ҳам эмасмиз. Биламиз, ўзимиз ҳар куни шоҳиди бўлиб турибмиз, йўловчи автобусларда тартиб-интизомли, хушмуомаласи билан кўпчиликнинг дуосини олаётган ҳайдовчию, чиптачилар кўп. Лекин шундай ибратли, меҳр-оқибатли инсонлар шаънига чипта ямоқ бўлаётганлар ҳам йўқ эмас. Ҳамма гап мана шунда.

Оқилу-фозиллар томонидан ана шунга ўхшаш ҳаётий ривоят ва ҳикоятларни тинглай туриб, таъсирланиб кетасан киши. Ибратли томони шундаки, улар келтирган мисоллар ҳаётда ўз тасдиғини топгандек туюлади. Назаримизда худди шу каби инсонлар сизу биз билан ёнма-ён юргандек. Баъзан кутилмаганда уларнинг ўзлари шунга иқрорлик ҳам билдира қолишади.

Даврада фарзандининг ота олдидаги бурчи ҳақида гап борарди. Суҳбатдошларимиздан бири ҳикоя қилди.

Кекса бир отахон ўғлидан бир кимхоб тўн олиб беришни илтимос қилибди. Ўғил отанинг истагини бажонидил қабул қилибдию, лекин камбағаллик туфайли ота талабини вақтида қондира олмабди. Орадан уч ой ўтиб ота вафот этибди. Ўғил қарз-ҳавола қилиб бўлсада, уни иззат-икром билан жойига қўйибди, маросимларини зиёда ўтказибди. У ҳар қанча қилмасин, барибир кўнглидаги кемтик жой сира тўлмабди. Шундан кейин у ўла-ўлгунча отасининг кимхоб тўн ҳақидаги истагини бажо келтира олмагани учун афсус ва надомат чекиб оламдан ўтибди.

Шу воқеани эшитиб ёнгинамизда ўтирган бир йигит тўсатдан оҳ чекиб қолди. Сабабини сўрасак: «У йигит-ку камбағаллик туфайли ота илтимосини ўрнига қўя олмабди. Ахир мен бой-бадавлат бўла туриб, отамнинг бир неча илтимосларини лоқайдлик қилиб қондира олмадим. Ана шуниси менга армон бўляпти. Айтинглар, қандай қилсам отам олдидаги ўша қарзларимдан қутуламан», — деб бизга юзланди.

Афсуски унга жўяли маслаҳат беришга ожиз эдик.

Орамизда мол-мулк бандаси бўлган, зебу-зарга ҳаддан ташқари ҳирс қўйган фарзандлар ҳам борлигини инкор этиб бўлмайди. Шундайлар ҳатто ота-она иззат-обрўсини ҳам улар ҳаётлигида йиғиб-терган бойлик билан ўлчайдилар. Улар ота-она тириклигида қадрига етмай, ўлгандан кейин мерос илинжида қарияларга ўзларини меҳр-оқибатли, садоқатли қилиб кўрсатишга уринадилар. Улар бу мунофиқликларини ҳатто Оллоҳдан ҳам пинҳон тутмоқчи бўладилар. Шу ўринда уларга бир ҳақиқатни айтиб қўйишга тўғри келади. Бу нусхалар аниқ билсинларки, ҳеч бир ёмонлик ҳисоб-китобсиз қолмайди. Бу дунёда яширинча қолиб кетган бирон-бир қинғирликнинг ҳам албатта фоний дунёда жавоби муқаррар бўлади.

Ҳикоя қилишларича, ота-она ўлимидан сўнг ака-ука ўртасида ҳовли жанжали бошланади. Ака ота-она ҳаётлигида уларни ташлаб қоронғида топган аёл билан беҳаёларча узоқ юртларга кетиб қолади. Ука эса ота-онанинг розилигини олиб, уларга яхши қарайди ва вафотларидан сўнг ўз қўли билан уларни қабрга қўяди.

Ота-она вафотини эшитган ака «меҳрибонларини» эслаб қолади. Мерос талаб қилиб, укасининг олдига келади. Ўртада келишмовчилик бошланади ва ниҳоят маҳалла фаолларининг аралашуви, ҳамда суд ҳукми билан уй-жой укага мухрлаб берилади.

Ўйлаймизки, бу ўринда изоҳга хожат йўқ. Қобил фарзанд ҳамиша ота-онага раҳмат келтиради. Маҳалла-кўй ҳурматига сазовор бўлади. Ноқобил фарзанд эса бебурдлиги туфайли кўпчилик назаридан қолади.

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

ҲЕЧ КИМ НАЗАРДАН ҚОЛМАСИН

Бу сарлавҳани бежиз танламадик. Айтинг, айтинг ҳеч бир одам эл-юрт, ота-она олдида назардан қолмасин. Акс ҳолда инсон умр бўйи бадном бўлиб ўтади. Вақти-соати етиб қилмишини тушуниб етганда эса кеч бўлади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ!

Илк бор «Туркистон» саройида 2006 йил 21 мартдан 2006 йил 2 апрелгача «ЗОЛУШКА» номли жаҳондаги биринчи итлар театри спектакллари ПРЕМЬЕРАСИ

КЎРИШГА ШОШИЛИНГ



Спектакллар: 2006 йил 1, 2 апрелда соат 15.00, 18.00 да; 2006 йил 27, 28, 29, 30, 31 март соат 18.00 да бошланади.

Чипталар «Туркистон» саройи кассалари ва цирк кассаларида сотилмоқда.

Ҳақ ҳар хил шаклда тўланиши мумкин.

Кассалар эрталабки соат 9.00 дан ишлайди.

Маълумотлар учун телефонлар: 333-88-99, 131-00-88, 144-32-23.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Ўзбек Давлат цирки» республика бирлашмаси
Тошкент Давлат цирки
2006 йил 17 мартдан 2 апрелгача
Илк бор Тошкент цирки манежида

«КРЕМЛЬ ЮЛДУЗЛАРИ»

дастури

Дастурдан ўргатилган типратиканлар, жайралар иштирокидаги томошалар, Россия халқ артисти Виктор Шемшура раҳбарлиги остида узун таёққа ўрнашган ҳолда ҳавода айланувчи айиқлар иштироки ўрин олган.

Томошалар: иш кунлари — соат 18.00 да; шанба ва якшанба кунлари соат 12.00, 16.00 да бошланади.

Томошалар жадвалида ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Чипталар цирк кассаларида ва туман кассирлари томонидан сотилади.

Ҳақ ҳар хил шаклда тўланиши мумкин.

Касса эрталабки соат 9.00 дан ишлайди.

МАЪЛУМОТЛАР УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
144-35-91, 144-35-94, 144-32-23.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 299-ўрта умумтаълим мактаби томонидан 1999 йилда Толипов Олим Тўхтамуротович номига берилган NA № 520019 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Оила даврасида

БОР БЎЛСИН МЕҲР-ОҚИБАТ

Гулбаҳор севгига ишонмасди. Дугоналарининг кўз ёшларига ажабланарди. Муҳаббат баҳслари қизиган давраларга кириб қолса, бир четда жимгина ўтиравераради.

—Сен нимага индамайсан? Яхши кўрган йигитинг борми? —сўрарди қизлар.

—Мен отасиз ўсдим, онам бизни машаққат билан катта қилган. Кимга узатсалар, ўшанга тегаман, —дерди Гулбаҳор.

Аслиям шунга қарор қилганди. Лекин муҳаббат деганлари бировнинг қарори билан баҳслашиб ўтирмас экан.Кунлар ўтиб ўзи билан бирга ўқиётган Нуриддинга кўнгил қўйди. Келажагини фақат ўша йигит билан тасаввур қиларди.

Орадан бир неча ойлар ўтиб, Нуриддинларникидан совчи келди. Қиз онасига дилини очди. Она бўлажак куёвини суриштириш учун қўшни туманга йўл олди. Лекин ҳафсаласи пир бўлиб қайтди.

—Онаси кўп жаҳлдор экан, илгариги келинларининг сиғдирмабди,—деди у қизига.

—Бу ёғидан хотиржам бўлинг, онажон, —деди Гулбаҳор. —Нуриддин ака уйида кенжа ўғил. Мана кўрасиз, қайнонам билан тил топишиб уйингизга бир мартаям аразлаб келмайман!

... Гулбаҳор тўйдан кейин онасига берган ваъдасини кўп эслади. Ҳар гал қайнонаси билан санманга борганида ҳам ваъдасини эслаб, ўзини босди. Нуриддин иккиси бирор жойга бормоқчи бўлса, рухсат йўқ! Бир куни келин-куёв шаҳарга айланишга бормоқчи бўлишди.

—Онамни биласан, айтсак кўнмайди, —деди Нуриддин. —Икковимиз икки хил баҳонани қилиб уйдан чиқамиз. Мен аввал, сен сал кейин. Хўпми?

Шундай қилишди. Нуриддин ўртоғиникига «зиёфат»га борадиган бўлди. Гулбаҳор тикувчиникига... Хуллас, икки ёш хиёбон дарвозаси ёнида учрашишди. Сайр қилишди. Кечга яқин қайтишди. Бунгача қайнона қўшни хотиндан уларнинг шаҳарда бирга юрганини эшитиб қолди. Сўнг шунақа жанжал қилдики...

Гулбаҳор бундай жанжалларга кўникиб қолди. Индамасдан кўя қолди. Қай бир кун ҳеч сабабсиз жанжал кўтарганида Гулбаҳор ўзини тутиб туролмай «Жудаям жанжалкаш экансиз-да, ойи!» деб юборди. Қайнона бу гапни эшитиб ўғлининг тепасига келди.

—Сен ҳайдамасанг, мен ҳайдайман буни уйдан! —дея бақирди.

Гулбаҳор ота уйига кетди. Қайнона бир бўғча кийимини келинининг ортидан жўнатганда Гулбаҳор эзилиб йиғлади.

—Қўй, қизим, кийим-кечак топилар, —деди онаси уни юпатиб, Гулбаҳор ўрнидан даст турди-да кетмоққа чоғланди.

—Ҳа, қизим қаёққа?

—Ўша аёлнинг уйига! Куёвингиз онасига бир нарса деёлмайди, барибир. Мен қайтиб бораман, оиламни сақлаб қолишим керак!

Она қизини йўлдан қайтармади. Ахир қиз бола борган жойида тош қотсин, дейди-ку, кексалар.

Қайнона келинини хушламай қаршилади: «Ўзи келар ёр-ёр, ўзи кетар ёр-ёр», дея минғирлаб кириб кетди.

Гулбаҳор бу гапларни эшитмаганга олди. У найранг ишлатиб оиласини сақлаб қолмоқчи бўлди...

—Ойи, судга ариза бердим. Мол-мулкни бўлиш фақат суд орқали бўлар экан, —деди у қайнонасига. — Эртага ҳаммамизни чақиришади, шуни айтгани келдим.

Қайнонанинг ранги оқариб кетди.

—Шу шартмиди? Энди судмасуд юришимиз қолувди! Мен сенга нима ёмонлик қилдим ўзи-а?! Уйингга кет, дедимми? Ўзинг кетдинг-қолдинг. Қайнона бўлгандан кейин келинга насиҳат қилади-да. Шу учун кетишинг шарт эканми, айт! «Хўп, ойи» десанг нима қилади?! «Хўп»ни билмайди ҳозирги келинлар... Мана энди судга борадиган ҳам бўлдик қариган чоғимда. Шўрим қурсин...

Қайнона бошига муштлади. Гулбаҳор энди ўйинни тугатиш кераклигини тушунди.

—Мен ҳам сизга ҳеч ёмонлик қилмадим-ку, ўзингиз уришаверасиз-да , ойи...

—Уришсам жим тургин эди, юзимга сапчимай?!

—Ойи, ҳозироқ бориб судан аризамни қайтариб оламан, —деди Гулбаҳор.

—Шундай қилақол, болам. «Иши судга тушибди» деган гапни кўтаролмайман. Шармандa бўлмайлик...

Гулбаҳор дарвозага етганда ортига ўгирилиб, қайнонасига меҳри товланиб, кўнгли юмшади.

Гулбаҳор суд идорасига эмас, Нуриддиннинг ишхонасига йўл олди. Эри ҳайрон бўлиб турганини кўргач:

—Ойим билан ярашиб олдик,— деди.

Аммо қандай қилиб қайнонасининг кўнглини юмшатганини айтиб ўтирмади. Унинг учун битта нарса муҳим. У ҳам бўлса оила сақлаб қолинди.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА

Маслаҳатлар

Агар ошхонада овқатга масаллиқларни тўғраётиб қўлингизни кесиб олсангиз, оқ қандни туйиб, кесилган жойга сепиб боғланг. Сабур (алоэ) гулининг баргини узунасига кесиб бир бўлагини шиллиқ томони билан кесилган жойга ёпиб, боғлаб қўйинг. Баргизубнинг баргини тез-тез алмаштириб боғлаш, намакоб билан кесилган жойни 3-4 бор ювиб боғлаш ҳам яхши даво бўлади.

* * *

Оёқдан нохуш ҳид таралса, уни икки хил йўл билан даволаш мумкин.

1. Қора андиз томиридан ярим килограмм олиб 2 литр сувда 5-6 дақиқа қайнатинг. Икки ой мобайнида ҳар куни қора андиз қайнатмаси совигунча оёқни солиб туриш керак.

2. Уч ой мобайнида ҳар куни қайнатилган исириқ сувига оёқни то сув совигунча солиб туриш лозим. Шунда нохуш ҳид мутлақо йўқолиб кетади.

* * *

Кўк чой буйракни ювади, ундаги яллиғланишни даволайди ҳамда буйрак шамоллаганда иситмани тезда туширади.

* * *

Саёҳатга, дам олиш учун табиат қўйнига чиқсангиз, атрофда чақадиган ҳашаротлар бўлса, жунли терипўстинда ўтириш, кечаси ҳам ундан ўрин-жой сифатида фойдаланиш керак. Чунки бир қанча қурт-қумурсқалар, чаён, қорақурт, қирқоёқ, ари, ҳатто чумолилар ҳам пўстак устида юра олмайди.

ТАФАККУР КАМОЛОТИ

● Кўринишидан ёқимтой беозор бўлсада, кўнгли қора, ҳасадчи одамлардан қўрқинг.

● Фосиқ одам бузуқликни севади.

● Номардга ҳақ йўл бегонадир.

● Сизни ноҳақ тубан одамларгина ҳақоратлаши мумкин, улардан ўч олишга интилманг, чунки улар вақти келиб ўз «насиба»ларини оладилар.

●Ғаламислар ғолиб келиши мумкин, лекин уларнинг умри қисқадир.

●Ҳаром йўл билан топилган бойлик ҳаром ишларга сарф бўлгандек, ғирромлик билан қўлга киритилган амал ҳам тез қўлдан кетади.

●Ҳаром томоқнинг умри баъзида узун бўлади, лекин ўлими азоб.

●Қасамхўр бўлманг. Қасам ичдингизми уни бажаринг, акс ҳолда умрингиз давомида «қасамхўр» деган ёзув битилади.

●Ўз қўлингиз билан ердан ҳосил ундирмай туриб деҳқонман дейиш — ҳам ёлғон, ҳам уятдир.

●Табиатда тундан сўнг тонг отиши аниқ. Аммо ҳаётда отмайди.

●Ноҳақлик доим талвасада яшайди, чунки вақти келиб мағлуб бўлишини билади-да.

●Кўзингизга тик боқиб, илжайганча қўйнингизга қўл солгандан қўрқинг.

●Баъзан енгилишнинг ҳам хосияти бор, ундан ўзингизга сабоқ оласиз ва яна келажагингиз учун режа тузасиз.

●Аччиқ ҳақиқатни ширин сўз билан ифода этиб бўлмайди.

●Ақли, билими ва тажрибаси етмаган ишга бош-қошлик қилиш энг катта жиноятдир.

●Истараси иссиқ одамларга яқинлашинг, уларнинг қўлидан ёмонлик келмайди. Истараси совуқлардан қочинг, уларнинг қўлидан яхшилик келмайди.

●Орзу бамисоли қуёш, чарақлаб чиқадию афсус тез ботади.

Тўлқин МУҲИДДИН

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

СУД ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ, СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ЖИҲАТИДАН ВА МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНЛАШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУДУДИЙ БЎЛИМИ ТОМОНИДАН, ВАКОЛАТЛИ ОРГАНЛАР ҚАРОРЛАРИГА АСОСАН ДАВЛАТ ДАРОМАДИГА ЎТКАЗИШ ВА ҚАРЗ ҲИСОБИГА УНДИРИШЛИК УЧУН ХАТЛАНИБ БАНД СОЛИНГАН ҚУЙИДАГИ АВТОМОТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ОЧИҚ КИМ ОШДИ САВДОСИ ЎТКАЗИЛАДИ

2006 йил 4 апрель куни қуйидаги автомототранспорт воситаларининг ким ошди савдоси ўтказилади:

1. «ГАЗ-5201» автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AY 389, бошланғич нархи 2.040.563 сўм, техник носоз-Чилонзор-79/4;

2. «ГАЗ-52»-телевышка автомобили, 1975 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AR 092, бошланғич нархи 8.919.000 сўм, техник носоз-Чилонзор-72/4;

3. «ГАЗ-52» автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AY 387, бошланғич нархи 1.899.559 сўм, техник носоз-Чилонзор-65/4;

4. «ГАЗ-52» автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AS 132, бошланғич нархи 1.949.559 сўм, техник носоз-Чилонзор-66/4;

5. «ГАЗ-52» автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AY 392, бошланғич нархи 1.899.599 сўм, техник носоз-Чилонзор-67/4;

6. «ГАЗ-52» автомобили, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AK 668, бошланғич нархи 1.790.119 сўм, техник носоз-Чилонзор-68/4;

7. «ГАЗ-52» автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AY 657, бошланғич нархи 1.988.441 сўм, техник носоз-Чилонзор-64/4;

8. «ЛУАЗ-969-М-02» автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 70-45 ТНБ, бошланғич нархи 818.378 сўм, техник носоз-Чилонзор-76/4;

9. «ЛУАЗ-969-М-02» автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AZ 261, бошланғич нархи 828.992 сўм, техник носоз-Чилонзор-81/4;

10. «ЛУАЗ-969-М» автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AZ 064, бошланғич нархи 782.395 сўм, техник носоз-Чилонзор-75/4;

11. «ЛУАЗ-969-М-02» автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 70-47 ТНБ, бошланғич нархи 828.992 сўм, техник носоз-Чилонзор-63/4;

12. «ЛАБО» автомобили, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AY 391, бошланғич нархи 4.747.500 сўм, техник носоз-Чилонзор-77/4;

13. «ЛАБО» автомобили, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AY 393, бошланғич нархи 4.490.200 сўм, техник носоз-Чилонзор-74/4;

14. «ЛАБО» автомобили, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AD 325, бошланғич нархи 4.661.380 сўм, техник носоз-Чилонзор-73/4;

15. «ЛАБО» автомобили, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AD 324, бошланғич нархи 5.000.000 сўм, техник носоз-Чилонзор-71/4;

16. «ЛАБО» автомобили, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AY 390, бошланғич нархи 4.684.160 сўм, техник соз-Чилонзор-70/4;

17. «ЛАБО» автомобили, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AY 394, бошланғич нархи 4.800.000 сўм, техник соз-Чилонзор-69/4;

18. «РАФ-2203» автомобили, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AH 680, бошланғич нархи 4.652.670 сўм, техник носоз-Чилонзор-82/4;

19. «ГАЗ-2411» автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AZ 062, бошланғич нархи 1.455.238 сўм, техник соз-Чилонзор-80/4;

20. «ГАЗ-31029» автомобили, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AZ 063, бошланғич нархи 2.405.666 сўм, техник соз-Чилонзор-62/4;

21. «УАЗ-3303» автомобили, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AF 657, бошланғич нархи 1.135.606 сўм, техник носоз-Чилонзор-78/4;

22. «ВАЗ-2108» автомобили, давлат рақам белгиси 11 U 16-87, ишлаб чиқарилган йили аниқланмаган, бошланғич нархи 1.500.000 сўм, техник соз-Миробод-87/4;

23. «Москвич-412» автомобили, 1977 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 J 65-22, бошланғич нархи 232.830 сўм, техник носоз-Миробод-86/4;

24. «Москвич-408» автомобили, 1966 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 A 59-96, бошланғич нархи 96.055 сўм, техник носоз-Миробод-85/4;

25. «Матиз» автомобили, 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 I 8838, бошланғич нархи 6.900.000 сўм, тех.соз-Юнусобод-107/4;

26. «ВАЗ-2108» автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 K 5756, бошланғич нархи 1.228.800 сўм, тех.носоз-Шайхонтоҳур-100/4;

27. «Тико»» автомобили, 2000 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 19 K 51-13, бошланғич нархи 1 759 964 сўм, техник носоз-Яккасарой-301/4;

28. «Газ-2411» автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 G 4111, бошланғич нархи 400.000 сўм, техник носоз- Миробод-9248/4;

29. «Нексия» автомобили, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AY 811, бошланғич нархи 4.500.000 сўм, техник носоз – Шайхонтоҳур – 306/4;

30. «Дамас» автомобили, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AG 313, бошланғич нархи 3.112.640 сўм, техник соз – Шайхонтоҳур – 306/4;

31. «Тико» автомобили, 2003 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 D 32-11, бошланғич нархи 5.690.700 сўм, техник соз- Юнусобод-297/4;

32. «Иж-2715» автомобили, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 788.568 сўм, техник носоз- Юнусобод-77/1;

2006 йил 25 апрель куни қуйидаги автомототранспорт воситаларининг ким ошди савдоси ўтказилади:

1. «МАЗ-504 В» автомобили, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AD 089, бошланғич нархи 2.893.600 сўм, техник носоз-Учтепа-293/4;

2. «прицеп», 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 1777 ЕФ, бошланғич нархи 1.535.464 сўм, техник носоз-Учтепа-292/4;

3. «Дамас» автомобили, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AZ 058, бошланғич нархи 621.429 сўм, техник носоз-Чилонзор-206/4;

4. «Тойота Авалон» автомобили, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси M 0207, бошланғич нархи 4.800.000 сўм, техник соз-Шайхонтоҳур-225/4;

5. «ЗАЗ-968» автомобили, 1978 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 W 1465, бошланғич нархи 45.840 сўм, техник носоз-Миробод-271/4;

6. «Даймлер Бенц» автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 12 D 4112, бошланғич нархи 3.000.000 сўм, техник соз-Миробод-325/4;

7. «ВАЗ-2103» автомобили, 1975 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 N 1986, бошланғич нархи 237.208 сўм, техник носоз-Миробод-272/4;

8. «Хундай Соната 3» автомобили, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси T 4784, бошланғич нархи 5.000.000 сўм, техник соз-Шайхонтоҳур-265/4;

Ким ошди савдолари соат 16-00 да бошланади.

Савдода иштирок этишга ариза қабул қилиш ҳафтанинг душанба, чоршанба, жума кунлари соат 14.00-дан 18.00-га қадар ишчи гуруҳи вакиллари томонидан амалга оширилади ва ким ошди савдоси бошланишидан 3 кун аввал тўхтатилади. Ким ошди савдосида иштирок этиш учун автомототранспорт воситаси сақланаётган туман суд ижрочилари бўлинмасининг депозит ҳисоб рақамига автомототранспорт воситасининг бошланғич нархидан 10% тўланиши лозим.

Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй, 2-қават.

Маълумот учун телефонлар: 144-54-08, 41-16-38.

ДУШАНБА, 27

«Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Таҳлилнома».
8.50 Олтин мерос.
9.00 «Олам ва одам» дастури: «Фредерик Шопен».
9.55 «Камалак» экрани.
10.45 «Наврўз нашидаси».
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00, 14.00, 21.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 Олтин мерос.
11.30 «Одами эрсанг».
